

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

«Химояга рухсат»
кафедра мудири
проф. А.Х.Нишанов

“ ” _____ 2013 й

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: Талабалар контингентини бошқарувчи ахборот тизимини веб воситалар
ёрдамида яратиш

Битирувчи	_____	<u>Тиллаев И.А.</u>
	(имзо)	
Раҳбар	_____	<u>Рахматов Ш.Ф.</u>
	(имзо)	
Рецензент	_____	_____
	(имзо)	
ХФХ буйича маслаҳатчи	_____	_____
	(имзо)	

Тошкент 2013

MAZMUNNOMA

Битирув малакавий иши хозирги вақтда долзарб бўлган – Web технологиялари асосида талабалар контингентини бошқарувчи ахборот тизимини ишлаб чиқишдан иборат.

Ушбу дастур маълумотларга асосланиб курслар бўйича ва республика Олий Таълим Муассасаларининг семестрлик, йиллик статистик ҳисоботлар тайёрлайди.

Дастурдаги асосий кодлар PHP дастурлаш тилида ишланган ва дастур базаси MySQL маълумотлар базасида шакллантирилган.

АННОТАЦИЯ

Данная выпускная квалификационная работа посвящена на актуальной проблемы – на основе веб технологии разработат информационную систему, который контролирует контингент студентов.

Данная программа на основе информации составляет отчеты по курсам, и высшем образовательным организациям составляет семестровские и годовые отчеты.

Основные коды программы разработана на языке программирование PHP ва база программы составлено на базы данных MySQL.

THE SUMMARY

This Graduate work is devoted to the actual problem - based on web technology razrabotat information system, which controls the number of students.

This program is based on information reports on the courses, and higher educational institutions is a semester and annual reports.

The main program codes developed in the programming language PHP wa compiled on the basis of the program database MySQL.

МУНДАРИЖА

КИРИШ

1. НАЗАРИЙ ҚИСМ

1.1. Ахборот тизими вазифалари ва унинг қулайликлари

1.2. Ахборот тизимини яратиш

1.3. PHP дастурлаш тили

1.4. MySQL маълумотлар базаси

1.5. Олий ўқув юртларида талабалар контингентини назорат қилиш тартиби

2. АСОСИЙ ҚИСМ

2.1. Масаланинг қўйилиши

2.2. Талабалар контингентини бошқарувчи ахборот тизимининг тузилмаси

2.3. Талабалар контингентини бошқарувчи ахборот тизимининг маълумотлар базасининг таркиби

2.4. Талабалар контингентини бошқарувчи ахборот тизимидан фойдаланиш тартиби

3. ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ

3.1. Меҳнат шароитларини ташкил қилувчи омиллар

3.2. Жароҳатланиш ва касб касалликларининг сабабларини таҳлил қилиш

3.3. Техноген, табиий ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятлар

3.4. Алоқа корхоналари ва ташкилотларида меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил қилиш ва уларнинг бажарилиши устидан назорат

ХУЛОСА

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

ИЛОВА

КИРИШ

Ҳозирги кунда ахборот ва компютер технологиялари иборалари кундалик турмушда энг кўп қўлланиладиган тушунчалар десак муболаға бўлмайди. Чунки ҳаётнинг қайси соҳасини олмайлик, қандай амалларни бажармайлик, албатта ахборотлар билан иш кўрамиз. Яъни ахборотлардан фойдаланиш, ахборот алмашиниш, уларни узатиш инсон фаолиятининг асосий негизини ташкил этади.

Маълумки ахборот технологияси жамиятнинг жадал ривожланишига таъсир этувчи энг муҳим омилдир. Ахборот технологияси инсоният тараққиётининг турли босқичларида ҳам мавжуд бўлган бўлсада, ҳозирги замон ахборотлашган жамиятнинг ўзига хос хусусияти шундаки, сивилизация тарихида биринчи марта билимларга эришиш ва ишлаб чиқаришга сарфланадиган харажатлардан устунлик қилмоқда, яъни ахборот технологиялари мавжуд янги технологиялар орасида этакчи ўринни эгалламоқда.

Ахборот технологиялари индустрияси мажмуини компютер, алоқа тизими, маълумотлар омбори, билимлар омбори ва у билан боғлиқ фаолият соҳалари ташкил этади. Ахборот технологиялари соҳасида бевосита ишламайдиган одамлар ҳам кундалик ишларида унинг имкониятларидан фойдаланади. Ахборот технологиялари турмушнинг барча соҳаларига борган сари кўпроқ сингиб бориб, унинг ҳаракатлантирувчи кучига айланмоқда.

Ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсати, ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва ахборот тизимларини ривожланиш ва такомиллашувининг замонавий жаҳон тамойилларини ҳисобга олган ҳолда миллий ахборот тизимларини яратишга қаратилган. Ахборот жараёнларини автоматлаштириш компютер техникасини жорий этишга, маълумотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва унинг асосида маълумотларни бериш автоматлаштирилган тизимларини яратишга бевосита боғлиқдир.

Ўзбекистон бошқа давлатлар сингари глобал ахборотлаштирилган жамиятни шакллантиришда фаол иштирок этмоқда. Мамлакатимизнинг узок муддатга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегик режаси ахборотлаштирилган жамият сари ҳаракат қилишга, уни шакллантириш учун шарт – шароитларни яратиш ва амалга оширишга йўналтирилган. Бундай стратегия Ўзбекистонни дунё иқтисодий ҳамжамиятига тенг ҳуқуқли ҳамкор сифатида интеграциялашувига имкон яратади.

Бугунги кунда мамлакатимизда АКТнинг ривожланиши ва такомиллашуви натижасидаги афзалликларни инобатга олган ҳолда уни жорий этиш жараёни кенгаймоқда. АКТнинг таъсири инсонларнинг ҳаёт тарзи ва маданиятидан тортиб давлат тузилмалари ва фуқаролик жамияти институтларини, ижтимоий ва иқтисодий соҳани, фан ва таълимни камраб олмоқда. Улар инсонларга ўзларининг имкониятларидан кенг миқёсда фойдаланиш заминини яратиш билан бирга турғун иқтисодий ўсиш, фаровонликни ошириш, демократия, тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш каби мақсадларга эришишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасида ахборот ресурслари ва ахборот тизимлари оммавий ҳамда хусусий мулк бўлиши мумкин.

Ахборот ресурслари ва ахборот тизимларига бўлган мулк ҳуқуқининг вужудга келишига қуйидагилар асос бўлади:

- ахборот ресурслари ҳамда ахборот тизимларининг давлат бюджети маблағлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ўз маблағлари ёки қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан яратилиши;
- ахборот ресурслари ва ахборот тизимларига бўлган мулк ҳуқуқининг ўзга шахсга ўтиши шартларини ўз ичига олган олди-сотди шартномаси ёки бошқа битим;
- мерос олиш.

Қонунда ахборот ресурслари ва ахборот тизимларига бўлган мулк ҳуқуқи вужудга келишининг бошқа асослари ҳам назарда тутилиши мумкин.

Ахборот тизимларининг тармоқлараро боғланиши турли ахборот тизимлари ўртасида ахборот алмашиш учун амалга оширилади.

Белгиланган нормалар ва қоидаларга мувофиқ ўзаро тармоқлараро боғланиш имкониятини ахборот тизимларининг мулкдорлари, эгалари таъминлайди.

Турли ахборот тизимларининг тармоқлараро боғланиши ахборот тизимларининг мулкдорлари, эгалари ўртасидаги шартнома асосида амалга оширилади.

Тармоқлараро боғланишни амалга ошириш ҳамда турли ахборот тизимларининг ўзаро алоқада бўлиш тартиби ва шартлари махсус ваколатли орган томонидан белгиланади.

Битирув малакавий ишининг мақсади - Талабалар контингентини бошқарувчи ахборот тизимини веб воситалар ёрдамида яратишдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар бажарилиши даркор:

- Талабалар контингентини ўрганиш;
- Ахборот тизими тушунчасини ўрганиш;
- Дастурий воситалар PHP дастурлаш тили ва MySQL маълумотлар базасини ўрганиш;
- Масалани қўйилишини аниқлаш;
- Талабалар контингентини бошқарувчи ахборот тизимини тузилмаси ишлаб чиқиш;
- Талабалар контингентини бошқарувчи ахборот тизимини яратиш;
- Талабалар контингентини бошқарувчи ахборот тизимидан фойдаланиш тартибини кўрсатиш.

Ушбу битирув малакавий иши кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат.

Кириш қисмида мавзу долзарблиги, битирув малакавий иши мақсади ва вазифалари, ҳамда битирув малакавий ишининг тузилмаси келтирилган.

Биринчи бобда ахборот тизими вазифалари ва унинг қулайликлари, ахборот тизимини яратиш, PHP дастурлаш тили ва MySQL маълумотлар базаси ҳақида маълумотлар келтирилган.

Иккинчи боб асосий боб бўлиб, унда масаланинг қўйилиши аниқланган, талабалар контингентини бошқарувчи ахборот тизимини тузилмаси, талабалар контингентини бошқарувчи ахборот тизимининг маълумотлар базасининг таркиби ва талабалар контингентини бошқарувчи ахборот тизимидан фойдаланиш тартиби берилган.

Учинчи боб ҳаёт фаолияти хавсизлигига бағишланган бўлиб, унда меҳнат шaroитларини ташкил қилувчи омиллар, жароҳатланиш ва касб касалликларининг сабабларини таҳлил қилиш, техноген, табиий ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятлар ва алоқа корхоналари ва ташкилотларида меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил қилиш ва уларнинг бажарилиши устидан назорат масалалари кўрилган.

Хулосада олинган асосий натижалар келтирилган.

Фойдаланилган адабиётларда битирув малакавий ишини бажариш давомида фойдаланилган адабиётлар рўйхати келтирилган.

Иловада ахборот тизимининг листинглари келтирилган.

1. НАЗАРИЙ ҚИСМ

1.1. Ахборот тизими вазифалари ва унинг қулайликлари

Тизим тушунчаси жуда ҳам кенг тарқалган термин бўлиб, жуда ҳам кўп маънони англатади. Кўп ҳолларда техника воситалари ва дастурлари йигиндисига "ТИЗИМ" деб аталади. Тизим тушунчасига "ахборот" сўзини қўшсак у ҳолда "тизимнинг" яратилиш мақсади ва ишлаш принципи тушунилади. Ахборот тизими фойдаланувчиларга исталган муҳитдаги ахборотларни сақлаш, қайта ишлаш, кидириш имконини яратади. Ахборот тизими деб олдинга қўйилган мақсадга эришиш учун ахборотларни сақлаш, қайта ишлаш ва узатиш методлари ва воситалари йигиндисига айтилади.

Хар қандай ахборот тизимининг ишлаш жараёнини қуйидаги схема билан ифодалаш мумкин. Ахборот тизимлари қуйидаги хоссалар билан характерланади: Хар қандай ахборот тизими, тизимни ташкил этишнинг умумий принципи асосида таҳлил қилинади ва бошқарилади. Ахборот тизими динамик қўринишга эга бўлиб, ривожланувчи тизим ҳисобланади. Ахборот тизимининг маҳсулоти ҳам ахборот ҳисобланади. Ахборот тизимини одам-компьютер тизими қўринишида тасаввур қилиш лозим. Ахборот тизимларини ҳаётда қўллаб қандай натижалар олиш мумкин.

Ахборот тизими жамият ва ҳар бир ташкилот учун қуйидагиларни бажариши лозим: Ахборот тизимининг тузилмаси ва унинг қўлланилиш мақсади, жамият ва корхона олдида турган вазифа билан тўғри келиши керак.

Масалан; тижорат фирмасида - фойдали бизнес, давлат корхонасида ижтимоий ва сиёсий вазифаларни бажариши керак. Ахборот тизими инсон томонидан бошқарилиши ва ижтимоий этика принциплари асосида фойда келтириши керак. Тўғри, қафолатли ва ўз вақтида ахборотларни мижоз ёки тизимларга етказиши лозим.

ахборотлаштириш — юридик ва жисмоний шахсларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ҳамда ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда шароит яратишнинг ташкилий ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техникавий жараёни;

ахборот ресурси — ахборот тизими таркибидаги электрон шаклдаги ахборот, маълумотлар банки, маълумотлар базаси;

ахборот ресурсларининг ёки ахборот тизимларининг мулкдори — ахборот ресурсларига ёки ахборот тизимларига эгалик қилувчи, улардан фойдаланувчи ва уларни тасарруф этувчи юридик ёки жисмоний шахс;

ахборот ресурсларининг ёки ахборот тизимларининг эгаси — қонун билан ёки ахборот ресурсларининг, ахборот тизимларининг мулкдори томонидан белгиланган ҳуқуқлар доирасида ахборот ресурсларига ёхуд ахборот тизимларига эгалик қилувчи, улардан фойдаланувчи ва уларни тасарруф этувчи юридик ёки жисмоний шахс;

ахборот технологияси — ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ва уни тарқатиш учун фойдаланиладиган жами услублар, қурилмалар, усуллар ва жараёнлар;

ахборот тизими — ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ҳамда ундан фойдаланиш имконини берадиган, ташкилий жиҳатдан тартибга солинган жами ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва алоқа воситалари.

1.2. Ахборот тизимини яратиш

Ахборот тизимини яратиш, ташкилотнинг бошқарув тузилмасини таҳлил қилишдан бошланади. Бошқариш деганда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш функцияси билан, қўйилган мақсадга эришиш тушунилади:

- Ташкиллаштириш - норматив ҳужжатлар комплекси ва ташкилий тузилмани ишлаб чиқиш; штат жадвали, бўлимлар, лабораториялар ва х.к.

- Хисобга олиш олиш - бу функция фирма ёки ташкилот кўрсаткичларининг метод ва формаларини ишлаб чиқади. Масалан; бухгалтерия хисоботи, молиявий хисоб-китоб, бошқарув хисоботи ва бошқалар.

- Таҳлил (анализ) - режалаштирилган вазифаларни қай даражада бажарилганлигини аниқлайди.

Ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг ҳуқуқий режими қуйидагиларни белгиловчи нормалар билан аниқланади:

- ахборотни ҳужжатлаштириш, ахборот ресурсларини шакллантириш ва ахборот тизимларини яратиш тартибини;

- ахборот ресурсларига ва ахборот тизимларига бўлган мулк ҳуқуқини;

- ахборот ресурсларининг улардан эркин фойдаланиш даражаси бўйича тоифасини;

- ахборот ресурслари ва ахборот тизимларини муҳофаза қилиш тартибини;

- ахборот тизимларининг тармоқлараро уланиши тартибини.

Система - бу ўзаро боғланган ва ўзаро муносабатда бўлган элементларни шундай йигиндисики, унда улар ўртасидаги ички алоқалар қуввати ташки алоқалар қувватидан катта ва хусусиятидан фаркли янги мужассамланган хусусиятга эга бўлган, маълум мақсадга йуналтирилган мажмуадир. Элемент - системанинг узвий қисми бўлиб, у ташки хусусиятлари нуқтаи назаридан бўлинмайдиган мураккаб объект деб тушунилади.

"Системотехника" - бошқарувчи ва бошқариловчи қисмларни ўз ичига оладиган катта техник системалар яратилиш, ривожлантириш ва амалда қўллашнинг умумий қонуниятлари ҳақидаги техник фани. Системотехника фани - автоматлаштирилган бошқариш тизимларини лойиҳалаш, ривожлантириш ва амалда қўллаш тартиби. Системотехника усули - системали ёндашув бўлиб объектни барча ички ва ташки алоқаларини ҳисобга олган ҳолда унинг моҳиятини ўрганиб чиқиш, ўтмиши, ҳозирги даври келажагини ҳисобга олган ҳолда уни ривожланишини ўрганиб чиқишни ўз ичига олади.

Системотехника вазифалари - турли типдаги АБТ учун самарадорликни баҳолаш критерияларини ишлаб чиқариш, уларни яратиш ривожлантириш ва эксплуатация қилиш усуллариини ишлаб чиқаради.

АБТ тизимидаги ижтимоий-иктисодий асосларнинг назарий негизи бўлиб, "операциялар назарияси" ёки "операцияларни текшириш" деб номланувчи илмий фан ҳисобланади. "Операцияларни текшириш" - миллий йуналиш бўлиб мавжуд бўлган система - одамлар машиналар материаллар молия тизимларини бошқариш билан боғлиқдир. Операциялар назарияси фани - масалаларни ечимини топишга қаратилган мақсадга мувофиқ чора ва тадбирларни ўрганиб чиқишидир. АБТ назарияларини ижтимоий-иктисодий асослари муаммолари қаторига ташкилий системалар билан бошқаришда қарор қабул қилиш принциплари ва услублари ишлаб чиқариш масалаларини, шахслараро муносабатлар ва уларни бошқарув жараёни самарадорлиги билан боғлиқлигини ўрганиш, ҳамда АБТни қонуний таъминотини ишлаб чиқиш саволларини ҳам қиритиш зарур. Шундай қилиб, муҳандис-системотехник фан ва техникада қенг доирадаги билим ва дунёқарашга эга бўлиши, АБТни ишлаб чиқишдаги муаммолар ва қийинчиликларни ўзига ҳослигини тушуниб етиши, АСУни лойиҳалашда вужудга келадиган турли хил масалаларни ечишни билиши қерак. Системанинг қўшимча хусусиятлари: Бутунлик - бирон нарсаялоҳида бир бутун бўлмоғи учун биринчидан унинг узвий қисмлари орасидаги алоқалари шу қисмлар қўрилаяётган бутунликка тегишли бўлмаган бошқабўлимлар билан алоқаларидан қучлироқ бўлмоғи лозим. Иккинчидан эсаяқўрилаяётган бутунликни ҳар бир бўлимдаги элементлар ўртасидаги алоқалар бўлимлараро алоқалардан қучлироқ бўлиши лозим. Бутунликнинг бу хусусияти уни бўлимларга бўлиш, ажратиш имқонини беради. Ташқи муҳит билан боғланишлик.

Агар саноат қорхонасини система деб оласак, у учун ташқи муҳит сифатида ҳам ашё, эҳтиёт қисмлар, энергия таъминловчилар, қорхонанинг маҳсулотларини истеъмолчилари бўлады. Агар қорхона ишларига об- ҳаво таъсир этадиган бўлса, унда қорхона учун ташқи муҳит об - ҳаво бўлады. Ёки

тескари хол, яъни корхона ўз фаолияти билан табиатга таъсир кўрсатса, (масалан, анхор, кўл, хавони ифлослантиса) унда табиат системаси учун корхона ташки мухит сифатида кўрилади. Системани тахлил килиш жараёнида уни бир неча таркибий қисмларга, яъни қуйи системаларга бўлиш мумкин. Қуйи система - бу системадан маълум қандайдиган буюм ажратилган, табиати ихтиёрий, ўзаро боғланган элементларни бир қисм тўпламидир.

Демак, ҳар қандай система қуйи системадан иборат бўлиб, уларни ҳар бирини мураккаб система деб қараш мумкин. Агар система қилиш ва қилиш йўлларига эга бўлса, яъни системаларни маълум вақтда модда, энергия, ахборот қилиш ва қилиш имкониятлари мавжуд бўлса, бу тизимга таркибий объект сифатида қаралади ва бу системага динамик система деб қаралади. Системаларни мураккаб ва содда системаларга бўлиш мумкин: системани қўп ўлчовлиги (ўзгаришчилар қисми қўпчилиги); система элементларини ўзаро боғлиқлиги қўпчилиги (бир қисм ёки бир қисм қисмдаги элементларда ўзаро боғлиқлиги); элементларнинг табиати қисм - қисмчилиги; система таркиби ва қисмлари ўзгаришчиларнинг қўпчилиги(системанинг қилиши, таркиби ва қисмларнинг ўзгаришчиларчилиги); қўп қисмчилик(қуйи системалар учун қисмчилик қисмлар ва бутун система учун умумий қисм, уларнинг ўзаро қилишлари); илмий қисмчилик назаридан қўп боғлиқлиги(системани турли қисмларда қилиш зарурчилиги); система қилишини, уни қилиш қилиш усуллари, элементлар қисмдаги ўзаро қисмларни қилишларининг қисм - қисмчилиги. система таркиби ва қисмлари ўзгаришчиларнинг қўпчилиги(системанинг қилиши, таркиби ва қисмларнинг ўзгаришчиларчилиги); қўп қисмчилик(қуйи системалар учун қисмчилик қисмлар ва бутун система учун умумий қисм, уларнинг ўзаро қилишлари); илмий қисмчилик назаридан қўп боғлиқлиги(системани турли қисмларда қилиш зарурчилиги); система қилишини, уни қилиш қилиш усуллари, элементлар қисмдаги ўзаро қисмларни қилишларининг қисм - қисмчилиги.

1.3. PHP дастурлаш тили

PHP аббревиатурасини ёйиб чиқадиган бўлсак Personal Home Page яъни шахсий уй сайт деган маънони беради. PHP тили яратилишида иштирок этган дастурчилар аввало бу тилнинг имкониятларини бажариладиган ва бажарилиши керак бўлган вазифага қараб кенгайтиришга ҳаракат қилишган. Чунки Ҳозирги кунда Интернет ва унинг атрофида бажариладиган ҳар қандай дастурлар жуда катта рақобатга бардош бера олиши керак. Бу тил устида ишлаган дастурчилар ҳам аввало шунга этиборларини қаратишган.

PHP тили WEB саҳифаларда HTML тилида тузилган сайтларни қайта ишлашда ишлатилади. Масалан, сайтда Ҳозирги вақт қанча одам фойдаланмоқда, бирор тижорат сайти бўлса администратор ёки сотувчи билан мулоқотни ташкил этишда, маълумотлар базаси (MySQL) билан боғланиб барча маълумотларни қулай ва самарали ишлатилади. PHP нинг энг катта ютуғи бу - маълумотлар базаси билан боғлана олишидир. Бу PHP ни кенг фойдаланилиши учун замин яратди. PHP ни илк бор машҳур дастурчи Ласмус Лердорф сервер томондан дастурлаш учун ишлаб чиққан. Бошқа дастурларга нисбатан тез ва самарали ишлагани учун 1994 йил Янги тил PHP дунёга келди. Бу тил устида ишлаганлар аввало тармоқдаги жуда катта маълумот алмашишини ҳисобга олган ҳолда яратишга ҳаракат қилишди. Шунинг учун ҳам СЎЛ сўровлар билан боғланиб тез маълумот топиш ва уни қайта ишлаш имкониятини оширишди. MySQL асосан маълумотларни жадвал кўринишида сакловчи омбор бўлиб, PHP тили ёрдамида бу маълумотларга мурожаат амалга оширилади.



Хар бир сайт ёки хостингда бир неча маълумотлар базаси бўлиши мумкин. Хар бир база маълум бир турдаги маълумотларни ўзида сақлайди. Шу базалар билан PHP ордамида боғланиш ҳосил қилинади. Энг аввало MySQL сервер дастурини компьютерга ўрнатиш лозим бўлади. Бунда Денвер дастурида серверни ишга тушириш, қайта ишга тушириш ва тўхтатиш буйруклари орқали сервер бошқарилади.




PHP нинг афзалликлари

- PHP script тил бўлиб HTML тилида ёзилган дастур орасига киритилади ва серверда бажарилади.
- Ўзининг алоҳида очувчи ва ёпувчи (`<?php` ва `?>`) белгиларига эга бўлиб, HTML документ ичида ҳоҳлаган жойда ишлатиш мумкин.
- Бошқа тиллардан фарқли ўларок серверда бажарилади ва фойдаланувчига тайёр ҳолда маълумот етказилади.

- Маълумотлар базаси билан боғлана олиши ва маълумотни сезиларли оsonлаштириши.
- Дастур кодини ва файллар сонининг кескин камайиши.
- Одатий сўзлашув тилига яқинлиги ва урганишнинг оsonлиги.

HTML PHP ва Mysql тилларининг биргаликда ишлаш тамойили HTML бу WEB саҳифа яратувчи асосий тил бўлса PHP шу саҳифада барча ҳаракатларни бошқариш ва ўнга қўшимча имкониятлар яратиб беради. MYSQL эса PHP билан боғланиб саҳифадаги маълумотларни ўзида саклайди 1- расмда бу тилларнинг ўзаро боғланиш схемаси кўрсатилган.



Бу схемадан кўриниб турибдики HTML ҳужжат асосий ҳужжат ҳисобланади ва унга безак бериш ёки маълумотлар билан боғлиқ ишларни CSS ва PHP+MYSQL ҳужжат бажаради. CSS ва HTML ҳужжатларининг боғланиши натижасида саҳифа дизайни ўзгаради. HTML ва PHP ҳужжатларининг боғланиши билан маълумотлар базаси билан боғланиш амалга ошади.

1.4. MySQL маълумотлар базаси

SQL (Structured Query Language, одатда "сиквел" дейилади) маъноси Таркибланган сўровлар тили. Бу реляцион маълумотлар базаларида ишлашга имкон берадиган тилдир. Бу тил ифодаларининг хусусияти шундан иборатки улар маълумотларни қайта ишлаш процедураларига эмас натижаларига йўналтирилгандир. SQL ўзи маълумотлар қаерда жойлашгани, қандай индекслар ва ҳатто амалларнинг энг эффектив кетма кетлигини қўллаш кераклигини аниқлайди; бу деталларни маълумотлар базасига сўровларда кўрсатиш керак эмас.

Икки хил SQL мавжуд: **Интерактив** ва **Жойлаштирилган**. Кўп ҳолларда иккала форма бир хил ишлайди, лекин икки хил фойдаланилади:

Интерактив SQL маълумотлар базаси ўзида фаолият кўрсатади ва буюртмачи фойдаланиши учун чиқиш ҳосил қилиш учун ишлатилади. SQL бу формасида, сиз команда киритсангиз, у даров бажарилади, ва сиз дарҳол натижани(агар у мавжуд бўлса) кўришингиз мумкин.

Жойлаштирилган SQL бошқа тилда яратилган дастурга жойлаштирилган SQL командалардан иборат.

SQL Интерактив ва жойлаштирилган формаларида кўп сонли гуруҳлар ёки суббўлимлар мавжуд. Улар ANSI томонидан эътиборга олинган ва концептуал даражада фойдали, лекин кўпчилик SQL дастурлар уларни алоҳида қайта ишламайди, шунинг учун улар аслида SQL командаларининг функционал категорияларидир.

- **DDL** (Маълумотларни Таърифлаш Тили) - ANSI да Схемани таърифлаш тили, объектларни(жадваллар, индекслар, тасаввурлар ва хоказо) яратувчи командалардан иборат.

- **DML** (Маълумотларни Ўзгартириш Тили) - бу ихтиёрий дақиқада жадвалларда қандай қийматлар сақланишини аниқловчи командалар мажмуасидир.

▪ **DCD** (Маълумотларни Бошқариш Тили) фойдаланувчига маълум объектлар устида маълум таъсир ўтказишга рухсат бериш ёки бермасликни аниқловчи воситалардан иборат.

SQL Стандарти ANSI томонидан аниқланган ва ҳозирда **ISO** томонидан қабул қилинган. Лекин коммерциал маълумотлар базалари дастурлари ANSI ни оғохлантирмасдан SQL ни кенгайтирадилар, яъни фойдали ҳисоблаган ҳар хил хоссалар қўшадилар.

Маълумот турлари

SQL тилида қуйидаги асосий маълумотлар турлари ишлатилиб, уларнинг форматлари ҳар хил МББТ лар учун фарқ қилиши мумкин:

- | | |
|--------------|---|
| INTEGER | - бутун сон (одатда 10 тагача қийматли рақам ва ишора). |
| SMALLINT | - "қиска бутун" (одатда 5 тагача қийматли рақам ва ишора). |
| DECIMAL(p,q) | - ўнли сон, p рақам ва ишорадан иборат ($0 < p < 16$). Ўнли нуқтадан сўнг рақамлар сони q орқали берилади ($q < p$, агар $q = 0$ бўлса, ташлаб юборилиши мумкин). |
| FLOAT | - ҳақиқий сон 15 та қийматли рақам ва бутун даражадан иборат. Даража МББТ типи билан аниқланади (масалан, 75 ёки 307). |
| CHAR(n) | - узунлиги ўзгармас, n га тенг бўлган символли қатор ($0 < n < 256$). |
| VARCHAR(n) | - узунлиги ўзгарувчи, n символдан ошмаган символли қатор ($n > 0$ ва ҳар хил МББТ ларда ҳар хил лекин 4096 дан кам эмас). |
| DATE | - махсус команда орқали аниқланувчи форматдаги сана; сана майдонлари бизнинг эрамыздан олдин бир неча минг йилликлардан бошланувчи ва бизнинг эрамыз бешинчи-ўнинчи минг йиллиги билан чекланган ҳақиқий саналарни ўз ичига олиши мумкин. |

TIME	- махсус команда орқали аниқланувчи форматдаги вақт (кўзда тутилган бўйича hh.mm.ss).
DATETIME	- сана ва вақт комбинацияси.
MONEY	- махсус команда орқали аниқланувчи форматдаги пул.

Жадвалларни яратиш

Жадваллар CREATE TABLE командаси билан яратилади. Бу команда каторларсиз бўш жадвал яратади. CREATE TABLE командаси жадвал номини ва жадвал ўзини маълум тартибда кўрсатилган устунлар номлари кетма-кетлиги таърифи кўринишида аниқлайди. У маълумотлар турлари ва устунлар ўлчовини аниқлайди.

Жадвал яратаётганингизда (ёки уни ўзгартираётганингизда), сиз майдонларга киритилаётган қийматларга чекланишлар ўрнатишингиз мумкин. Бу ҳолда SQL чекланишларга тўғри келмайдиган ҳамма қийматларни рад этади. Чекланишлар икки асосий тури мавжуд: - *устун ва жадвал чекланишлари*. Уларнинг фарқи шундаки устун чекланиши фақат айрим устунларга қўлланади, жадвал чекланиши бўлса бир ёки бир неча устунлар гуруҳига қўлланади. Устун чекланиши устун номи охирига маълумотлар типидан сўнг ва вергулдан олдин қўйилади. Жадвал чекланиши жадвал номи охирига сўнгги думалоқ вергулдан олдин қўйилади.

Чекланишлар билан CREATE TABLE командасини синтаксиси:

CREATE TABLE Жадвал

(устун устун чекланишини тури,

...

устун устун чекланишини тури,

жадвал чекланиши (устун [, устун])...);

Аргумент қийматининг узунлиги маълумот турига боғлиқ. Агар у кўрсатилмаган бўлса, у ҳолда қийматни автоматик равишда система томонидан берилади.

Майдонга бўш (**NULL**) қийматлар киритилиши олдини олиш учун **CREATE TABLE** командасида **NOT NULL** чекланиши ишлатилади. Бу чекланиш фақат ҳар хил устунлар учун ўрнатилади.

Агар устун учун **UNIQUE** чекланиши ўрнатилса, бу устунга мавжуд қийматни киритишга уриниш рад этилади. Бу чекланиш *бўш бўлмайдиган* (**NOT NULL**) деб эълон қилинган майдонларга қўлланиши мумкин.

Уникалликни талаб қилувчи қийматларга эга устун (бирламчи калит бўлмаган) *калит-кандидат* ёки *уникал калит* деб номланади.

Бир нечта соҳаларни биргаликда уникал қилиш мумкин, **UNIQUE** жадвал чекланиш бўйруғи ёрдамида. соҳалар гуруҳини уникал деб эълон қилиш индивидуал соҳасини уникал қилишдан фарқ қилади, чунки фақат битта қиймат эмас, балки соҳалар қийматлари комбинацияси уникал бўлиши керак. **SQL FOREIGN KEY** чекланиши ёрдамида маълумот берадиган тўлиқликни қўллаб қувватлайди. **SQL** Бирламчи калитларни бевосита *Бирламчи калит*(**PRIMARY KEY**) чекланиши ёрдамида қўллаб қувватлайди. **PRIMARY KEY** жадвални ёки унинг устунларини чегаралаши мумкин. Бу чекланиш **UNIQUE** чекланиши каби ишлайди, фақат битта бирламчи калит(ихтиёрий сондаги устунлар учун)дан ташқари берилган жадвал учун аниқланиши мумкин. Бирламчи калит **NULL** қийматини қабул қилмайди.

CHECK чекланиши жадвалга киритилаётган маълумот қабул қилинишидан олдин мос келиши лозим бўлган шарт киритишга имкон беради. **CHECK** чекланиши **CHECK** калит сўзи кўрсатилган майдондан фойдаланувчи предикат ифодаларидан иборатдир.

CHECK жадвал чекланиши сифатида келиши мумкин. Бу шартга бир неча майдон киритишга имкон беради.

Бирор бир майдон учун қиймат кўрсатмаган ҳолда жадвалга сатр қўшсангиз, **SQL** бундай майдонга киритиш учун кўзда тутилган қийматга эга бўлиши керак, акс ҳолда буйруқ рад этилади. Энг умумий кўзда тутилган қиймат **NULL** қийматдир. **CREATE TABLE** буйруғида кўзда тутилган қиймат **DEFAULT** оператори орқали, устун чекланиши сифатида кўрсатилади.

Маълумотлар яхлитлигини таъминлаш

Жадвал бир майдонидаги ҳамма қийматлар бошқа жадвал майдонида акс этса, биринчи майдон иккинчисига илова қилади дейилади. Бу икки майдон орасидаги боғлиқликни кўрсатади. FOREIGN KEY чекланишини синтаксиси:

FOREIGN KEY устун REFERENCES

Ташқи жадвал [устун]

ANSI таърифи бўйича: ташқи калит ёрдамида илова қилинаётган аждод калит қийматини ўчириб ёки ўзгартириб бўлмайди. Бу шуни билдирадики буюртмалар жадвалида буюртмаларга эга буюртмачини буюртмачилар жадвалидан ўчириб бўлмайди. ANSI таркибига кирмаган аждод калит майдонларини ўзгартириш ёки ўчириш қоидалари мавжуд:

1) Чекланган (**RESTRICT**) ўзгартишлар. Сиз (ANSI усулида) аждод калитларда чекланган деб кўрсатиш ёки ман қилиш мумкин.

2) Каскадланувчи (**CASCADE**) ўзгартишлар. Агарда аждод калитда ўзгартиш киритилса, ташқи калитда худди шундай ўзгартишлар автоматик юз беради.

3) Бўш (**NULL**) ўзгартишлар. Сиз аждод калитда ўзгартириш киритганда ташқи калит майдонлари автоматик **NULL** қиймат олади (ташқи калитда **NULL** қиймат рухсат этилган бўлса).

Юқоридаги эффектларни UPDATE ва DELETE буйруқлари ёрдамида бажариш керак

Жадвалларни ўчириш

Жадвални ўчириш имконига эга бўлиш учун, жадвал эгаси (яъни яратувчиси) бўлиши керак. Фақат бўш жадвални ўчириш мумкин. Қаторларга эга бўлган, тўлдирилган жадвални ўчириш мумкин эмас, яъни жадвал ўчиришдан олдин тозаланган бўлиши керак. Жадвални ўчириш командаси қуйидаги кўринишга эга:

DROP TABLE жадвал номи;

Майдонларни ўзгартириш

Ҳамма сатрлар SQLда INSERT буйруғи ёрдамида киритилади. INSERT ифодаси қуйидаги форматга эга:

INSERT INTO Жадвал (жадвал устунининг номи)
VALUES (ифода);

Жадвалдан сатрлар DELETE буйруғи ёрдамида ўчирилади.

Строки из таблицы можно удалять командой модификации - DELETE. DELETE ифодаси қуйидаги форматга эга:

DELETE FROM жадвал
[WHERE шарт]

Майдон қийматлари UPDATE буйруғи ёрдамида ўзгартирилади.

UPDATE ифодаси қуйидаги форматга эга.:

UPDATE жадвал SET
Устун номи = <ифода>
[WHERE шарт]

Бу ерда, <ифода> - бу устун|ифода|константа|ўзгарувчи.

1.5. Олий ўқув юртларида талабалар контингентини назорат қилиш тартиби

Олий таълим муассасаларининг кафедра ва деканатлари иш юритишда бўлган асосий ҳужжатлар рўйхати:

- Талабалик гувоҳномаси
- Рейтинг дафтарчаси
- Талаба шахсий варақаси
- Талаба ўқув варақаси
- Талаба ҳақидаги маълумотлар варақаси
- Талаба шахсий йиғма жилди
- Олий таълим муассасасини тугатганлик ва диплом

берилганликни қайд этиш китоби

- Талабалар контингенти ҳаракатини ҳисобга олиш тўғрисида маълумот

- Гуруҳ журнали
- Профессор-ўқитувчи журнали
- Рейтинг қайдномаси
- Семестр натижалари тўғрисида маълумот

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2010 йил 29 августдаги 340-сонли буйруғига Олий таълим муассасаларида юритиладиган таълим жараёнига тааллуқли асосий ҳужжатларнинг шакллари ва уларни юритиш бўйича йўриқнома:

Талабалик гувоҳномаси шакли, тайёрланиш қоидалари Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1998 йилнинг 23 июлидаги 200-сонли буйруғи билан тасдиқланган.

Рейтинг дафтарчаси деканат масъул ходимлари томонидан расмийлаштирилади ва деканатда сейфларда ёки махсус темир шкафларда сақланади. Рейтинг дафтарчаси ўқиш даврида талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари қайд этиб бориладиган асосий ҳужжат ҳисобланади.

Семестр тугашидан 2 ҳафта илгари гуруҳ сардори гуруҳ талабалари рейтинг дафтарчаларини махсус журналга имзо чекиб деканатдан олади ва семестр тугагандан сўнг рўйхат бўйича яна деканатга топширади. Рейтинг дафтарчасига талабалар ўзлаштириш кўрсаткичларини қайд этиб бориш фақат фан бўйича профессор-ўқитувчилар томонидан амалга оширилади. Деканат услубиётчиси семестрдаги барча фанлар бўйича ЯНни тўлиқ топширган талабаларнинг рейтинг дафтарчасини ёпади ва уни факультет деканига топширади. Факультет декани рейтинг дафтарчасига имзо чекиб уни факультет муҳри билан тасдиқлайди.

Рейтинг дафтарчаларини ўрнатилган тартибда расмийлаштирилиши, юритилиши ва сақланишини ташкил этиш ва назорат қилишга шахсан факультет декани масъул.

Талаба шахсий варақаси талаба томонидан ўқишга қабул қилинганда тўлдирилади ҳамда талаба ўқишини тугатгандан сўнг ёкк олий таълим муассасаси (кейинги ўринларда - ОТМ) билан алоқа узилганда талабанинг шахсий йиғма жилдига тикиб қўйилади.

Талаба ўқув варақаси. Ҳар бир талаба учун алоҳида тўлдирилади, унга талаба ўқиши давомида олган якуний баҳолари, рейтинг қайдномасидан олиб, қўйиб борилади. Варақа факультет томонидан тўлдирилади, ҳамда қатъий ҳисобда туради. Сақлаш муддати - доимий. Ўқишни тугатгандан сўнг ёки ОТМ билан алоқа тўхтатилса талаба шахсий йиғма жилдига тикиб қўйилади. Варақадаги тузатишлар факультет декани томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

Талаба ҳақидаги маълумотлар варақаси. Ходимлар бўлими томонидан тўлдирилиб борилади. Картотекада алфавит бўйича сақланади. Ўқишни тугатган ёки ОТМ билан алоқани узган талабаларнинг маълумотлар варақаси алоҳида, алфавит бўйича сақланади. Сақлаш муддати - доимий.

Талаба шахсий йиғма жилди. Ходимлар (талабалар) бўлими томонидан юритилади. Унда талабага тегишли барча ҳужжатлар (ўрта таълим (11-синф негизида) ёки ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасини тугатганлиги ҳақидаги ҳужжат, ўқишга қабул қилинганлик тўғрисидаги, бошқа йўналишга ўтказилганлиги, ОТМдан четлатилганлиги ва ҳоказо буйруқлар нусхалари) сақланади. Талаба йиғма жилдига, пгунингдек, ўқишни тугатган ёки ОТМ билан алоқани узган талабаларнинг талабалик гувоҳномаси, рейтинг дафтарчаси, талаба шахсий варақаси, талаба ўқув варақаси ҳам тикиб қўйилади. Сақлаш муддати -доимий. Талаба йиғма жилди рақами талабаларнинг талабалик гувоҳномаси, рейтинг дафтарчаси рақами билан бир хил бўлиши керак. Архивга топшириш вақтида талаба шахсий йиғма жилди архив бўйича рақамланади. Бу рақам талаба ҳақидаги маълумотлар варақасига ёзиб қўйилади.

Олий таълим муассасасини тугатганлик ва диплом берилганликни қайд этиш китоби. Бу китоб ходимлар (талабалар) бўлими томонидан олиб борилади. Унга ОТМни тугатган талабалар ф. и. ш., диплом рақами, ёзилган санаси ва

диплом берилганлиги ҳақидаги маълумотлар йилма-йил киритилиб борилади. Китоб рақамланган, тикилган ҳамда ректор имзоси ва муҳр билан тасдиқланган бўлиши керак. Китоб қатъий ҳисобда турувчи ҳужжат бўлиб, сейфда сақланади. Сақлаш муддати - доимий. Китобдан фойдаланиш қулай бўлиши учун, ОТМни тугатганларга юритилган алфавит бўйича жойлаштирилган маълумотлар варақаси картотекаси хизмат қилади. Талаба ҳақидаги маълумотлар варақасининг "диплом берилди" бандига талабанинг китоб бўйича тартиб рақами ёзиб қўйилади.

Талабалар контингенти ҳаракатини ҳисобга олиш тўғрисида маълумот . Факультет томонидан юритилади ҳамда ректор белгиллаган муддатда ходимлар (талабалар) бўлимига топширилади. Бу маълумотларга асосланиб курслар бўйича ва республика ОТМ семестрлик, йиллик статистик ҳисоботлар учун ўрнатилган тартибдаги талабалар ҳаракати ва ҳолати ҳақидаги умумлаштирилган статистик ҳисобот тайёрланади ва талаб қилинган ташкилотларга топширилади.

Гуруҳ журнали. Гуруҳ журнали талабаларнинг дарсга қатнашиши (давомат) ва ўқитувчиларнинг дарс ўтишини кузатиб бориш бўйича асосий ҳужжат, шунингдек талабалар ўзлаштиришини назорат қилиш ҳужжати ҳисобланади.

Гуруҳ журнали факультетда сақланади ҳамда ҳар куни дарс бошланишидан олдин гуруҳ сардорларига берилади. У журналга фан номи, машғулоти тури ва соатини дарс бўладиган куни жадвал бўйича ёзиб боради. Фан ўқитувчиси дарс бошланишидан олдин давоматни текшириб, дарсда қатнашган талабаларга "+", дарсга қатнашмаган талабаларга "й" ёки "н/б" белгиларини қўяди ва имзо билан тасдиқлайди. Дарслар тугагач гуруҳ сардори журнални деканатга топширади.

Профессор-ўқитувчи журнали. Талабаларнинг дарсларга қатнашиши ва ўзлаштиришлари ҳақидаги маълумотларни киритиб бориш учун тавсия этиладиган ҳужжат ҳисобланади. Журналга талабаларнинг дарсга қатнашишлари, режавий топшириқларни бажаришлари ва жорий

ўзлаштиришларига оид маълумотлар киритилади. Таълим муассасаси мазкур журнал шакли ва мазмунини илғор тажрибалар асосида такомиллаштириши мумкин.

Рейтинг қайдномаси. Талабалар ўзлаштириш кўрсаткичи қайд этиладиган асосий ҳужжат ҳисобланади. Талабалар Ф.И.Ш. киритилиб факультет декани томонидан тасдиқланган рейтинг қайдномаси тегишли назорат турларини ўтказиш жадвалига мувофиқ фан ўқитувчиларига етказилади.

Рейтинг қайдномасига талабанинг ОН, ЖН ва ЯНда тўплаган баллари ўқитувчи томонидан ёзилади ва имзо билан тасдиқланади. Якуний назорат тугагач ўқитувчи рейтинг қайдномасини деканатга топширади. Талабанинг рейтинг қайдномасидаги фан бўйича ўзлаштириш кўрсаткичлари деканатда юритиладиган ўзлаштириш варақасига киритилади. Рейтинг қайдномаси талабаларга стипендия тайинлашда асос бўлиб ҳисобланади.

Рейтинг қайдномаси жилдларга тикилиб, факультетда ҳисобда турувчи ҳужжатлар қаторида сақланади.

Семестр натижалари тўғрисида маълумотнома. Факультет деканати томонидан тўлдирилади. Йиғма ҳисобот ўқув бўлими гомонидан тайёрланади.

Семестр натижалари тўғрисида маълумотнома. Факультет деканати томонидан тўлдирилади. Йиғма ҳисобот ўқув бўлими гомонидан тайёрланади.

2. АСОСИЙ ҚИСМ


2.1. Масаланинг қўйилиши

Масалани қўйилиши: Талабалар контингентини бошқарувчи ахборот тизими ишлаб чиқиш.

Ушбу дастур маълумотларга асосланиб курслар бўйича ва республика Олий Таълим Муассасаларининг семестрлик, йиллик статистик ҳисоботлар учун ўрнатилган тартибдаги талабалар ҳаракати ва ҳолати ҳақидаги умумлаштирилган статистик ҳисобот тайёрлайди ва талаб қилинган ташкилотларга топшириш учун хужжат кўринишда тайрлаб беради.

2.2. Талабалар контингентини бошқарувчи ахборот тизимининг тузилмаси

Масаланинг қўйилишидан келиб чиқиб, Талабалар контингентини бошқарувчи ахборот тизимининг тузилмаси қуйидаги кўринишда олинади:



2.3. Талабалар контингентини бошқарувчи ахборот тизимининг маълумотлар базасининг таркиби

Талабалар контингентини бошқарувчи ахборот тизими учун “kontingent” номли маълумотлар базаси яратилди ва у бир нечта жадвалларни ўз ичига олади.

1-жадвал. Ахборот тизими фойдаланувчи турлари.

			user_id	lastname	firstname
			1	Admin	Administrator
			2	Demo	Demo
			3	Rakhmatov	Sherzod

2-жадвал. Ахборот тизими фойдаланувчилар логин ва пароллари.

			id	username	password	email	activkey
			1	admin	21232f297a57a5a743894a0e4a801fc3	webmaster@example.com	9a24eff8c15a6a141ece27
			2	demo	fe01ce2a7fbac8fafaed7c982a04e229	demo@example.com	099f825543f7850cc038b9
			3	sher	155d1a1c98b0f860a26b80ff6ab941fe	sher@mail.ru	001dd5a2fe8bc73ea1970c

3-жадвал. Талабаларнинг шахсий маълумотлари.

			id	k_id	name	lastname	surname	birthday	address
			1	1	Alisher1	Rakhmatov	Farkhadovich1	1987-07-02	Lisunova 1a, endi kuramiza a ddfsaf b>
			2	1	Timur	Rakhmatov	Farkhadovich	1988-07-14	USA, Florida
			3	2	Nurzod	Karahanov	NULL	1988-03-23	USA

4-жадвал. Рўйхатдан ўтган талаба ҳақида тўлиқ маълумот.

			id	tab_no	name	lastname	surname	address	date_birh	place_birh	cat_nationa
			1	9837411	Sherozd1	Rakhmatov		Lisunova 1a, 55, 3	1986-01-29	1	
			2	839847	Nurzod	Karahanov	Abduganievich		0000-00-00	2	
			3	215	Muxabbat	Adilova	Aqil qizi	Toshkent	2012-11-26	1	

5-жадвал. Йўналишлар рўйҳати.

			id	name
☐			1	Axborot texnologiyalari
☐			2	Axborot xavfsizlik
☐			3	Komyuter tizimlari

6-жадвал. Гуруҳлар рўйҳати.

			id	name
☐			1	215-10 ITu
☐			2	216-10 ITu

7-жадвал. Шаҳарлар рўйҳати.

			id	name
☐			1	Toshkent
☐			2	Samarqand
☐			3	Jizzax
☐			4	Andijon

8-жадвал. Миллатлар рўйҳати.

			id	name
☐			1	Uzbek
☐			2	Qozoq
☐			3	Tojik

9-жадвал. Факультетлар рўйҳати.


			id	name
☐			1	Informatika
☐			2	Axborot texnologiyalari
☐			3	Telekommunikatsiya

2.4. Талабалар контингентини бошқарувчи ахборот тизимидан фойдаланиш тартиби

Талабалар контингентини бошқарувчи ахборот тизими уч қисмдан иборат бўлиб, улар қўйидагилар:

- “Талабалар”;
- “Талабалар қўшиш”;
- “Гуруҳлар”.

Талабалар контингентини бошқарувчи ахборот тизимининг умумий кўриниши:



Биринчи қисм “Талабалар” бўлими бўлиб, унда университетда базага киритилган талабалар рўйхати чиқади.

Talabalar ro'yhati

[Talaba qo'oshish](#)

#	Talaba	
1	Sherozd1 Rakhmatov	 
2	Nurzod Karahanov Abduganievich	 
3	Muxabbat Adilova Aqil qizi	 

Copyright © 2013

Ихтиёрий талабани маълумотларини тахрирлаш ёки ўчириш мумкин. Шунингдек, янги талабани қўшиш мумкин. Янги талабани қўшиш асосий меню орқали ҳам қўшиш мумкин.

Янги талабани қўшганда учта формани тўлдириш зарур, булар:

- Талаба ҳақида маълумот
- Паспорт маълумотлари
- Оила аъзолари ҳақида маълумот

Жадвалларини тўлдириш орқали янги талаба базага қўшилади.

Биринчи талаба ҳақида маълумот жадвали тўлдирилади:

Reyting daftarchasi: Talaba:

Talaba haqida ma'lumot

Passport

Talaba haqida ma'lumot

Reyting daftarcha N *

Fakultet

Guruh

Ism *

Familiya *

Otasining ismi

Tug'ilgan yili



Tug'ilgan joyi

Millatai

Jinsi

Oilaviy holati

Uy telefoni

Telefon mob 1

Telefon mob 2

Manzil

Saqlash

Qo'shish

Passport

Seriya

Raqam

Klm tomondan berilgan

Berilgan vaqti

Amal qilish muddati

Saqlash

Qo'shish

Copyright © 2013

Оила бўлимида танланган талабанинг оила аъзолари рўйхати чиқади.

Reyting daftarchasi: 9837411 Talaba: Sherozd1 Rakhmatov

Talaba haqida ma'lumot Passport Oilasi

Oilasi

Oilasi a'zosini qo'shish

Ism	Familiya	Otasining ismi	Tug'ilgan yili	Manzil	
Alisher1	Rakhmatov	Farkhadovich1	02-07-1987	Lisunova 1a_endi kuramiza a dffdsaf 	
Timur	Rakhmatov	Farkhadovich	14-07-1988	USA, Florida	
dddd	ddd	dddd	30-11-0	nnngjjj jj	

Saqlash

Qo'shish

Агар яна оила аъзоларини қўшиш даркор бўлса унда “қўшиш” тугмаси орқали амалга ошириш мумкин.

Reyting daftarchi

Talaba haqida ma'lumot

Oilasi

Oila a'zosini qo'shish

Ism	Familiya
Alisher1	Rakhmatov
Timur	Rakhmatov
dddd	ddd

Detail view

Ism *
Sabina

Familiya *
Raxmatova

Otasining ismi
Sherzod qizi

Ism *
qizi

Tug'ilgan yili
2012

Manzil
toshkent

[Qo'shish](#) [Cancel](#)

Учинчи бўлим “Гуруҳлар” бўлими бўлиб, базадаги барча гуруҳлар кўрсатилади. Бирорта гуруҳ танланса ундаги талабалар рўйхати чиқади.

[Home](#) / [Talabalar](#) / Talabalari ro'yhati

Guruhlar ro'yhati

[Talaba qo'oshish](#)

#	Gruppa	Talabalar soni	
1	215-10 ITu	2	eye trash
2	216-10 ITu	1	eye trash

Copyright © 2013

Бунда гуруҳни танлаб ундаги талабаларни кўриш мумкин ва гуруҳни бутунлай ўчириш мумкин.

3. ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ

3.1. Меҳнат шароитларини ташкил қилувчи омиллар

Меҳнат шароитлари—иш жараёнида инсон саломатлиги ва ишга лаёқатлилигига таъсир кўрсатувчи ишлаб чиқариш муҳити омиллари йиғиндисидир. Меҳнат шароитлари шикастланишлар ва касб касалликлари юзага келиши учун ҳар қандай шарт-шароитни истисно этиш керак. Меҳнат шароитларини ташкил қилувчи омиллар одатда 4 та асосий гуруҳга бўлинади.

1. Гуруҳ—*санитар-гигиеник* ишлаб чиқариш муҳити, иш ҳудудини характерлайдиган кўрсаткичларни ўз ичига олади. Қўлланиладиган ускуналар ва технологик жараёнларга боғлиқ бўлиб, миқдорий баҳоланиши мумкин ва меъёрланади.

Санитар-гигиеник омиллар:

- а) ёритилганлик (табiiй, сунъий);
- б) микроиклим;
- в) ҳаво ҳарорати, С;
- г) нисбий намлик, %;
- д) ҳаво ҳаракати тезлиги, м/с;
- е) ҳаво муҳитида заҳарли моддалар (буғлар, газлар, аэрозоллар) мг/м³;
- ж) механик тебранишлар:

- тебраниш (титраш) (Гц-частота, мм, амплитуда, тебраниш тезлиги-м/с);
- шовқин (октава чизиклари, Гц-частотаси, товуш босими даражаси-Дб);
- ультратовуш (шовқин каби);
- инфрақизил, ультрабинафша, ионлашиш нурланиш (км, м, дм, см, мм);
- радиочастоталар тўлқинлари (Гц, кГц, МГц);
- атмосфера босими (денгиз даражасидан ҳам баланд: м, мм, барометрик, симоб устуни);
- касбий инфекциялар ва биологик агентлар.

2. Гуруҳ–меҳнат жараёни билан шартланадиган *психо-физиологик*.
Ушбу гуруҳдан фақат бир қисми миқдорий баҳоланади.

Психофизиологик (меҳнат) омиллари:

а) жисмоний вазифа (ккал);
б) иш ҳолати;
в) асаб–психологик–ақлий, асаб–ҳиссиёт, кўришнинг зўрайиши, асаб-руҳий вазифа;

г) меҳнат жараёнининг бир хиллиги;

д) меҳнат ва ҳордиқ тартиби (режими):

- смена ичи (тушликка танаффус);
- суткалик (иш сменаларининг давомийлиги);
- йиллик (таътилнинг давомийлиги);

3. Гуруҳ–*эстетик омиллар*, ишлаётганлар томонидан атроф-муҳит аҳволи ва унинг элементлари қабул қилиниши билан характерланади, миқдорий баҳоланмайди.

Эстетик омиллар:

а) иш ҳудудида ёруғлик товуш муҳити композициясининг уйғунлиги, ҳаво муҳити ҳидларининг ҳушбуйлиги, ҳамоҳанглик композицияси, иш ҳолатлари ва меҳнат ҳаракатларининг уйғунлиги;

б) жамоанинг ижтимоий – руҳий бирдамлиги;

в) жамоада гуруҳлараро муносабатлар характери (жанжалли ҳолат, даражаси);


4. Гуруҳ–мазкур меҳнат жамоасида психологик иқлимни характерлайдиган *социал-психологик* омиллар, миқдорий баҳоланмайди.

3.2. Жароҳатланиш ва касб касалликларининг сабабларини таҳлил

қилиш

Бахтсиз ходисаларни қайд қилиш ва ҳисобга олиш билан бахтсиз ходисаларнинг сабабларини аниқлаб булмайди, бу фақат бахтсиз ходиса сабабларини аниқлаш учун материал бўла олади. Ишчининг иш шароитида ишлаш фаолиятини ўрганиш унинг ишлаш қобилияти билан иш вақти ўртасида боғланиш борлигини аниқлаш имкониятини беради.

Бу боғланиш график шаклида 4.1-расмда кўрсатилгандек ўзгаради. Яъни ишчи иш бошлагандан кейин ярим соат давомида иш маромига тушмаган ва созланмаган ҳолатда бўлади. Ярим соатдан кейин иш мароми мувофиқлашади ва бир меъёрда тахминан 3,5 соат давом этади, сўнгра яна пасайиш бошланади. Бахтсиз ходисаларнинг юз бериши ҳам худди шу график асосида бориши аниқланди. 4 соат давомида ишчи чарчаши ҳисобига иш қобилияти камайса, худди шу чарчаш ҳисобига бахтсиз ходисалар ҳам вужудга келади.



3.1-расм

Ташкилий сабаблар. Ташкилий сабабларга қўйидагиларни киритиш мумкин. Саноат корхонасини лойиҳалаш вақтида йўл қўйилган хатолар, ишчи ва хизматчиларнинг хавфсиз ишлаш усулларига ўргатилмаганлиги, йўриқноманинг нотўғри ўтказилганлиги, ишчилар меҳнатидан мутахассислиги буйича фойдаланмаслик, хавфсиз меҳнат қилиш техник назоратининг йўқлиги, хавфли эканлигини билиб туриб, бетартиб иш юритиш ва ишчиларнинг ўзаро келишмасдан иш олиб боришлари, технологик жараёнларнинг бузилиши, ишчиларнинг меҳнат қилиш ва дам олиш

режаларининг бузилиши, иш жойларини ноқулай режалаштириш, саноат корхонаси худудида йўлка ва ўтиш жойларини нотўғри жойлаштириш, иш жойларини нотўғри ташкил қилиш, нобоп иш қуролларидан фойдаланиш, шахсий муҳофаза аслахаларининг иш шароитига тўғри келмаслиги, тўсиқларнинг йўқлиги, хавф ҳақидаги огохлантирувчи плакатларнинг бўлмаслиги ва бошқалар.

Техник сабаблар. Станоклар, иш қуроллари, ёрдамчи воситалар ҳаракатланувчи ва юк кўтарувчи қисмларининг конструктив камчиликлари, машина ва механизмлар айрим қисмларининг синиб ёки узилиб кетиши, технологик жараёнларнинг номукамаллиги, тўсиқ қурилмалари ва сақловчи воситаларнинг пухта ишламаслиги.

Санитария-гигиеник сабаблар. Об-ҳаво шаротининг (ҳавонинг ҳарорати, нисбий намлиги, ҳаракат тезлиги ва босими, иссиқлик ажралиб чиқиши) қониқарсиз бўлиши саноат корхоналаридаги ҳаво муҳитининг чангланганлиги, иш жойлари, майдонлар ва ўтиш жойларининг оқилона ёритилмаганлиги, шовқин ва титрашнинг мавжудлиги, ишлаб чиқариш хоналари ва санитария-маиший хоналарнинг етарли эмаслиги ва санитария-гигиена талабларига жавоб бермаслиги, шахсий гигиена талабларига риоя қилмаслик.

Психо-физиологик сабаблар. Ишчи психологик режимининг бузилиши натижасида вужудга келадиган сабаблар: оилавий нотинчлик, ишхонада, жамоа ўртасидаги келишмовчилик ва хоказолар.

Бу сабаблар аниқлангандан кейин иш шароитида уларнинг келиб чиқмаслигини таъминловчи чора-тадбирлар мажмуи ишлаб чиқирилиши зарур. Бу чора-тадбирларни амалга ошириш эса ишлаб чиқариш шароитида бахтсиз ҳодисаларнинг бутунлай йўқолишига ёки камайишига олиб келиши керак.

3.3. Техноген, табиий ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятлар

Фавқулодда вазиятлар уларнинг вужудга келиш сабабларига кўра тасниф қилинади ва улар ушбу вазиятларда зарар кўрган одамлар сонига, моддий зарарлар миқдорига ва кўламларига қараб локал, маҳаллий, республика ва трансчегара турларга бўлинади.

1. Транспорт авариялари ва ҳалокатлари:

Экипаж аъзолари ва ёловчиларнинг ўлимига, ҳаво кемаларининг тўлиқ парчаланишига ёки қаттиқ шикастланишига ҳамда қидирув ва авария – қидирув ишларини талаб қиладиган авиа ҳалокатлар;

Ёнғинга, портлашга, ҳаракатланувчи таркибнинг бузилишига сабаб бўлган ва темир йўл ходимларининг, ҳалокат ҳолатидаги темир йўл платформаларида, вокзал биноларида ва шаҳар иморатларида булган одамлар ўлимига, шунингдек ташилаётган кучли таъсир кўрсатувчи захарли моддалар билан (КТКЗМ) ҳалокат жойига туташ ҳудуднинг захарланишига олиб келган темир йўл транспортидаги ҳалокатлар ва авариялар.

Фавқулодда вазият – бу муайян ҳудудда ўзидан сўнг одамларнинг қурбон бўлиши, одамлар соғлиғи ёки атроф-муҳитга зиён етказиши, кишиларнинг ҳаёт фаолиятига каттагина моддий зарар ҳамда унинг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган авария, ҳалокат, стихияли офат, эпидемиялар, эпизоотиялар натижасида юзага келган ҳолатдир.

Портлашларга, ёнғинларга, транспорт воситаларининг парчаланишига, ташилаётган КТКЗМларнинг зарарли хоссалари намоён бўлишига ва одамлар ўлимига сабаб бўладиган автомобил транспортнинг ҳалокати ва авариялари, шу жумладан йўл транспорт ходисалари;

Одамларнинг ўлимига, шикастланишига ва захарланишига, метрополитен поездлари парчаланишига олиб келган метрополитен бекатларидаги ва тунеллардаги ҳалокатлар, авариялар, ёнғинлар;

Газ, нефт ва нефт маҳсулотларининг отилиб чиқишига, очиқ нефт ва газ фаввораларининг ёниб кетишига сабаб бўладиган магистрал қувурлардаги авариялар.

2. Кимёвий хавфли объектлардаги авариялар:

Атроф – табиий мухити кучли таъсир килувчи захарли моддаларнинг отилиб чиқишига ва шикастловчи омилларнинг одамлар, хайвонлар ва ўсимликларнинг кўплаб шикастланишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган даражада, йўл қўйилган чегаравий концентрациялардан анча ортиқ миқдорда санитария – химоя худудидан четга чиқишга сабаб бўладиган кийевий хавфли объектлардаги авариялар, ёнғин ва портлашлар.

3. Ёнғин – портлаш хавфи мавжуд бўлган объектлардаги авариялар:

Технологик жараёнда портлайдиган, осон ёниб кетадиган ҳамда бошқа ёнғин учун хавфли моддалар ва материаллар ишлатиладиган ёки сақланадиган объектлардаги, одамларнинг механик ва термик шикастланишига, захарланишига ва ўлимига, асосий ишлаб чиқариш фондларининг нобуд бўлишига, фавқулодда вазиятлар худудларида ишлаб чиқариш циклининг ва одамлар ҳаётининг бузилишига олиб келадиган авариялар, ёнғинлар ва портлашлар;

Одамларнинг шикастланишига, захарланишига ва ўлимига олиб келган ҳамда кидириш – қутқариш ишларини ўтказишни нафас олиш органларини муҳофаза қилишнинг махсус анжомларини ва халатларини қўлланишни талаб килувчи кўмир шахларидаги ва руда саноатидаги газ ва чанг портлаши билан боғлиқ авария – ёнғинлар ва жинслар қўпорилиши.

4. Энергетика ва коммунал тизимлардаги авариялар:

Саноат ва қишлоқ хўжалиги масъул истеъмолчиларининг авария туфайли энергия таъминотисиз қолишига ҳамда аҳолии ҳаёт фаолиятининг бузилишига олиб келган ГЭС, ГРЭС, ТЭЦлардаги, ўлкан иссиқлик марказларидаги, электр тармоқларидаги буғқозон бўлмаларидаги, компрессор ва газ тақсимлаш шахобчаларидаги ва бошқа энергия таъминоти объектларидаги авариялар ва ёнғинлар.

Аҳоли ҳаёт фаолиятининг бузилишига ва саломатлигига хавф олиб келган газ қувурлариди, сув чиқариш иншоотларидаги, сув қувурларидаги, канализация ва бошқа коммунал объектлардаги авариялар.

Атмосфера, тупроқ, ер ости ва ер усти сувларининг одамлар саломатлигига хавф туғдирувчи даражада концентрациядаги зарарли моддалар билан ифлосланишига сабаб бўлган газ тозалаш қурилмаларидаги, биологик ва бошқа тозалаш иншоотларидаги авариялар.

5. Одамлар ўлими билан боғлиқ бўлган ва зудлик билан авария – кутқарув ўтказалишини ҳамда зарар кўрганларга шошилиш тиббий ёрдам кўрсатилишини талаб қиладиган мактаблар, касалхоналар, кинотеатрлар ва бошқа ижтимоий йўналишдаги объектлар, шунингдек уй–жой сектори бинолари конструкцияларининг тўсатдан бузилиши, ёнғинлар, газ портлаши ва бошқа ҳодисалар.

6. Гидротехник ҳалокатлар ва авариялар.

Сув омборларида, дарё ва каналлардаи бузилишлар, баланд тоғлардаги кўллардан сув уриб кетиши натижасида вужудга келган ҳамда сув босган ҳудудларда одамлар ўлимига саноат ва қишлоқ хужалиги объектлари ишининг, аҳоли ҳаёт фаолиятининг бузилишига олиб келган ва шошилиш кўчириш тадбирларини талаб қиладиган ҳалокатли сув босишлари.

3.4. Алоқа корхоналари ва ташкилотларида меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил қилиш ва уларнинг бажарилиши устидан назорат


Алоқа ходимлари касаба уюшмалари ёки вилоят касаба уюшмалари кенгашининг техник назоратчиси исталган вақтда машина ускуналари, механизмлар мувофиқлигини, техника хавфсизлиги қоидалари талаблари, ишлаб чиқариш ва ёрдамчи биноларнинг санитар ахволини, санитария меъёрлари талаблари, меҳнат ва дам олиш режимида амал қилишни, махсус кийим-бош, махсус пойафзал, махсус озиқ-овқат ва ҳимоя воситаларининг ўз вақтида берилишини текшириш учун алоқа корхонасини кўздан кечириш ҳуқуқига эга.

Хар бир корхонада касаба уюшма раиси сайланади, унинг қошида жамоа шартномасини бажарилишини назорат этувчи катта жамоат назоратчиси бошчилигидаги меҳнатни муҳофаза қилиш комиссияси ишлайди, бахтсиз ходисаларни текширишда, шунингдек, ТХ қоидаларини билишларини текширишда иштирок этади.

Цехлар ва бўлимларда касаба уюшмалари аъзоларидан аппаратуралар, асбобларнинг яроқлигини, ишчи жойларда тўсиқларни, блокировкаларни, ҳисоблаш қурилмалари ва иситиш тизимлари ишини, ёритилиш аҳволини назорат қилувчи ва тозалик ҳамда тартибга риоя этувчи меҳнат муҳофазаси жамоат назоратчиси танланади. У ишчи жойида инструктаж (йўл-йўриқ) ўтказилиши, цехнинг барча ходимлари томонидан техника хавфсизлиги йуриқномаларини ўрганиш, иш вақти ва тартиби режими, таътиллار берилиши, хордиқ кунлари, ишчиларни химоя воситалари билан таъминлашни назорат этади. Бутун аниқлаган камчилик ва нуқсонлар ҳақида жамоат назоратчиси цех устаси ёки бошлиғига хабар қилиши ва уни ишлаб чиқиши лозим. Меҳнат муҳофазаси бўйича барча комиссия аъзолари жамоа шартномасига кирувчи ММ бўйича тадбирлар ишлаб чиқишда иштирок этадилар.

Алоқа корхоналаридан меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил қилиш, шунингдек, давлат ва касаба уюшмалари органлари томонидан назоратни ташкил қилишнинг таркибий жадвали 4.2-расмда тасвирланган.

Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги меҳнат муҳофазаси бўйича тадбирларни режалаштиради ва уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга оширади.



4.2-расм. Алоқа корхоналаридан меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил қилиш

Алоқа ишлаб чиқариш-техника бошқармаларида (АИЧТБ) меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни АИЧТБ бошлиқлари, бош мухандислар ва бошлиқ муовинлари уюштилади.

Корхона бошлиғи корхонада меҳнат муҳофазасини ташкил қилиш учун жавоб беради, бош муҳандис ва бошлиқ муовинлари ва меҳнат тўғрисидаги қонунчилик, ТХ қоида ва меъёрлари, ишлаб чиқариш санитарияси, уларга бўйсунадиган бўлимлар, цехлар, участкаларда ёнғин хавфсизлигига риоя этилиши устидан тўлиқ маъсулдир.

Меҳнат муҳофазаси бўйича ишларнинг бажарилиши устидан назорат учун бош муҳандисга бўйсунувчи меҳнат муҳофазаси бўйича муҳандис тайинланади.

Раҳбар юқори хавфли ишлар рўйхатини билиши, химоя воситалари ва сақловчи қурилмалар яроғлилик аҳоли ва мавжудлиги устидан кузатиб бориши, вентиляция қурилмалари, иш жойларининг ёритилиши, ишининг тўғрилигини текшириб бориши, шовқин ва тебранишларнинг камайишига эришмоғи, ишчи ва хизматчиларни ишлашнинг хавфсиз услубни уларга ўргатиш, сабоқлар уюштириши, техника хавфсизлиги қоидаларини нечоғлик билишларини даврий текшириб туриши лозим.

Раҳбар, шунингдек, ТХ қоидалари ва меъёрларини бажармаган шахсларни ишдан четлатиши, агар инсонлар ҳаёти ва саломатлигига таҳдид солаётган бўлса, механизмлар ишини тўхтатиши, жабрланганга биринчи ёрдам кўрсатишни ташкил қилиш, бахтсиз ходисаларни тергов қилиш ва уларни олдини олиш юзасидан чоралар кўришда иштирок этиши лозим. Алоқа корхоналарида травматизмни камайтириш ва меҳнат шароитларини яхшилашга қаратилган тадбирлар ўтқазиб устидан назоратни кучайтириш мақсадларида меҳнат муҳофазаси аҳоли устидан 3-поғонали назорат жорий этилади.

Хар куни уста ёки бригадир жамоат назоратчиси билан бирга ишчилар аҳоли, ускуналарнинг созлиги ва химоя воситаларининг яроқлилигини текширади. Нуқсонлар топилганда зудлик билан уларни бартараф этиш бўйича чоралар кўрилади. Агар носозликларни кучлари билан бартараф этиш мушкул, имконсиз бўлса, нуқсонуну носозликлар 3-поғонали назорат журнаliga қайд этилади.

Хар хафта цех бошлиғи катта жамоат назоратчиси билан ҳамкорликда цехда меҳнат муҳофазасининг ахволини бирма-бир текширувдан ўтказди, уста томонидан билдирилган носозликлар бўйича қарорлар қабул қиладилар, аввалги текширувларда аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тадбирлар бажарилишини назорат қилади. Текширув натижалари цех бошлиғи худди шу журналга ёзилади.

Хар ойда бош муҳандис ва меҳнат муҳофазаси бўйича муҳандис корхона бўйича меҳнат муҳофазасининг ахволини текширади, текширувнинг 1 ва 2 поғоналарида аниқланган нуқсонларни бартараф этилишини назорат қилади.

Текширув натижалари корхона бўйича буйруқ билан расмийлаштирилади.

Меҳнат муҳофазаси бўйича муҳандис мунтазам ТХ қоидалари ва меъёрлари, ишлаб чиқариш санитарияси, юқори турувчи ташкилотлар фармойишлари, назорат қилувчи органлари ҳужжатларининг ижросини назорат қилади.

У янги қабул қилинган ходимлар билан илк йуриқномани ўтади, ТХ билимларини текшириш бўйича комиссиялар иши ва ишлаб чиқаришда бахтсиз ходисаларни тергов қилишда иштирок этади.

Хар йили корхоналар Н21-Т шаклида режа бажарилгани тўғрисидаги ҳисоботларни тузадилар ва уларни юқори турувчи хўжалик ва касаба уюшма ташкилотларига юборадилар.

Ҳисоботга ноқулай шароитларда ишловчилар сони ҳақида маълумотлар ва ҳисобот йилида меъёрларга мувофиқ ҳужжатлар киритилади.

Ҳисоботда реконструкция, капитал ремонт бўйича бажарилган ишлар ҳажми ва ишлаб чиқариш цехлар, умуман ТХ қоидалари ва меъёрлари талабларига жавоб бермайдиган участкаларни эксплуатациядан чиқариш тўғрисида маълумотлар бўлиши керак.

Мамурий-хўжалик ва инженер-техник ишчи меҳнат қонунчилиги ва меҳнат муҳофазаси қоидаларини бузсалар интизомий, мамурий ёки жиноий жавобгарликка тортилади.

ХУЛОСА

Битирув малакавий ишининг мақсади - Талабалар контингентини бошқарувчи ахборот тизимини веб воситалар ёрдамида яратишга эришилди.

Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар бажарилди:

- Талабалар контингентини ўрганиб чиқилди;
- Ахборот тизими тушунчасини ўрганилди;
- Дастурий воситалар PHP дастурлаш тили ва MySQL маълумотлар базасини ўрганилди;
- Масалани қўйилишини аниқланди;
- Талабалар контингентини бошқарувчи ахборот тизимини тузилмаси ишлаб чиқилди;
- Талабалар контингентини бошқарувчи ахборот тизимини яратилди;
- Талабалар контингентини бошқарувчи ахборот тизимидан фойдаланиш тартибини кўрсатилди.

ФОЙДАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. И.А.Каримовнинг “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” 2010 й.
2. И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият енгилмас куч” 2007 й.
3. Олий таълим. Меъёрий ҳужжатлар тўплами: / С.С. Ғуломов таҳрири остида; Тузувчилар: Б.Х. Раҳимов, Ш.Д. Жонбоев; ва бошқ. – Т.: “Шарқ”, 2001. – 672б.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлигининг 2005 йил “30” сентябрдаги № 217 – сонли буйруғи билан тасдиқланган «Олий таълим муассасаларида талабалар билимини баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида муваққат НИЗОМ”.
5. Абдуазизов А.А. Математические указания по написанию, оформлению и подготовке к защите магистерской диссертации. Ташкент 2001. Типография ТЭИС, 18с.
6. **Ошибка! Недопустимый объект гиперссылки.**
7. Леон Аткинсон., Зеев Сураски РНР 5. Библиотека профессионала.,Core РНР Programming.,Серия: Библиотека профессионала.,Издательство: Вильямс, 2005 г., 944 стр.
8. Максим Кузнецов, Игорь Симдянов, Сергеу Голышев. РНР 5 на примерах. Серия: На примерах. Издательство: БХВ-Петербург, 2005 г., 576 стр.
9. Поль Дюбуа MySQL MySQL Серия: Landmark Другие издания: Твердую переплет Аналоги: Твердую переплет Издательство: Вильямс, 2004 г., 1056 стр.
10. Архипова Н. И. Совершенствование организационных структур управления как фактор стратегического развития ВУЗа на современном этапе / Н. И. Архипова // Менеджмент в России и за рубежом. - 2008. - №1- С. 82-88.

11. Белый Е. М. Использование концепции стратегического менеджмента в управлении государственным ВУЗом / Е. М. Белый // Менеджмента в России и за рубежом. - 2007. - №3 - С. 22-31.
12. Бухарова Г. Д. Системы образования: учебное пособие / Г. Д. Бухарова, О. Н. Арёфьев, Л. Д. Старикова. - Ростов н/Д.: Феникс, 2008. - 475с. (Высшее образование).
13. Анискин Ю. П. Планирование и контроллинг: учебное пособие / Ю. П. Анискин, А. М. Павлова. М.: Омега-Л, 2007 - 243с.
14. Уилтон П. JAVASCRIPT. Основы. Символ-плюс. 2002г. - 1056 с.
15. Кингли-Хью Э., Кингли-Хью К. JAVASCRIPT 1.5: Учебный курс. Питер. 1-е издание. 2002г. – 240 с.
16. Дронов В. JavaScript в Web дизайне. Питер. 2001г. - 250 с.
17. Экология и безопасность жизнедеятельности: Учебное пособие для студентов ВУЗов / ред. Л. А. Муравий, 2002.
18. Белов С.В. Безопасность жизнедеятельности М.: Высшая школа. 2003.
19. Ёрматов Ғ.Ё., Исамухамедов Ё.У. Меҳнатни муҳофаза қилиш. Дарслик. Ўзбекистан нашриёти. Тошкент 2002.